

“O'ZPARTAMPONAJ” АЖ  
Акциядорларининг 2020 йил « 30 » сентябрдаги  
умумий йигилиш қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»  
М.Ў.

**“O'ZPARTAMPONAJ”  
акциядорлик жамиятигининг**

**“КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДА” ги**

**НИЗОМИ  
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ - 2020 йил

# “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисида

## НИЗОМИ

### I. Умумий қоидалар

**1.1.** Мазкур Низом “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг макомини аниқлайди ва унинг ишини, кенгаш аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

**1.2.** Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.3.** Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни хал этиш бундан мустасно.

**1.4.** Жамият кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

### II. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг ваколати ва уни сайлаш

**2.1.** Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби **7 (етти)** нафар аъзодан иборат. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик билашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Куйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

- сўнги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларидан ишламаган шахс;
- жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахснинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш хақининг икки минг бараваридан кўп бўлган сумма тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бунда кузатув кенгашининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

- жамият бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларнинг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнги уч йил ичдиа уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотин), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўтай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

#### **2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:**

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият якка тартибдаги ижроия органи-директорнинг хисоботини мунтазам равища эшитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташкари умумий йиғилишларини чакириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳирдаги уставни тасдиклаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши хал қилиши учун киритиш;

- жамиятнинг “Жамият якка тартибдаги ижроия органи - директори тугрисида”ги, “Ички аудит

тўғрисида”ги, “Корпоратив масалаҳатчи тўғрисида”ги, шу жумладан “Ички назорат тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Манфаатлар карама-каршилиги вактида харакат килиш тартиби тўғрисида”ги низомларирига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирда тасдиклаш;

- жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;
- қонунда хужжатларида назарда тутилган холларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, корпоратив облигациялар ва бошка кимматли когозларни кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиклаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мулжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъкулланиши лозим;

- жамиятнинг йиллик хисоботи билан бирга жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари бўйича ташкил аудиторнинг хисобот ва хulosасини эшитиш хамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдикланиши лозим;

- йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича якка тартибдаги ижроия органи-директори ва ички аудит хизмати хисботларини эшитиш хамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиклаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ҳаражатларининг йиллик сметасини тасдиклаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисботларини эшитиб бориш;

- жамият якка тартибдаги ижроия органи - директорини тасдиклаш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва хоказо), унинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиши масалаларини хал қилиш;

- қонун хужжатларида ва жамият Уставида назарда тутилган холларда якка тартибдаги ижроия органи - директорини ваколатини муддатидан илгари тўхтатиши ва якка тартибдаги ижроия органи - директор вазифасини вактинча бажарувчини тайинлаш;

- жамият якка тартибдаги ижроия органи - директорнинг фаолиятига даҳлор ҳар кандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни якка тартибдаги ижроия органи - директордан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;

- якка тартибдаги ижроия органи - директорга тўланадиган ҳак ва компенсациялар микдорини белгилаш, шунингдек, курсатилган туловларнинг чегараси микдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдикланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим курсаткичларига боғлаган холда белгилаш;

- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳак ва компенсация микдори юзасидан тавсиялар бериш;

- акциялар бўйича дивиденлар микдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира ва бошка фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш хамда филиалларини ташкил этиш;
- жамиятнинг шульба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган холларда битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг ёълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартериши ва қўшимчалар киритиши тўғрисидаги масалаларни хал қилиш;

- факат акциядорларнинг умумий йигилиши ва қонунчилик билан белгиланган микдорда хайр

саховат, эхсон (благотворительность) ва бошка текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамлар бўйича қарор қабул қилиш ва ушбу ёрдамларни кўрсатиш (қабул килиб олиш) тартибини белгилаш;

- тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши қошида комитетлар (ишчи гурухлар) тузиши;
- кимматли когозлар чикарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиклаш;
- кимматли когозлар чикарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш хамда ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар билан боғлик бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиклаш;
- қонунчиликда белгиланган холларда акцияларни жойлаштириш (кимматли коғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкари бозорига чикариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чикариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- кимматли коғозларнинг хосилаларини чикариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам курсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни факат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган доирада, бу хакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, якка тартибдаги ижроия органи - директори, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва хал этиш ва бошка масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш;
- қонунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда, жамиятнинг жойлаштирилган акциялари, корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Устави, корпоратив бошқарув кодекси ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш, жамият якка тартибдаги ижроия органи - директорига ўтказилиши мумкин эмас.

Жамият номидан якка тартибдаги ижроия органи - директори билан тузиладиган шартнома Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

**2.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари жамият уставида ва ушбу низомда назарда тутилган тартиба акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.**

Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланishi мумкин.

Жамият якка тартибдаги ижроия органи - директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.

Айни шу жамиядада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси булиши мумкин эмас.

Жамиятнинг кузатув кенгаши таркиби сайланадиган шахслар олий маълумотга ва 3 йил иш стажига эга бўлиши керақ, қўшимча талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият кузатув кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сонига бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўkkиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хақли.

Энг қўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркиби сайланган деб хисобланади.

Энг муцхим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига хисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

### **III. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгashi раисини сайлаш**

**3.1.** Жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгashi аъзолари томонидан сайланади.

**3.2.** Жамиятнинг кузатув кенгashi, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз раисини кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳакли.

**3.3.** Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

**3.4.** Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

### **IV. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгashi мажлисларини ўтказиш тартиби**

**4.1.** Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), якка тартибдаги ижроия органи - директорининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартиби жамиятнинг уставида белгилаб қуйилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), жамият кузатув кенгashi мажлисини чақиришга хақли.

**4.2.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, бирок у жамият кузатув кенгashiга сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**4.3.** Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият якка тартибдаги ижроия органи - директорининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга хақлидир.

**4.4.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар хал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

**4.5.** Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

**4.6.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

**4.7.** Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вакт ва жой;
- мажлисда хозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришига қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул килинган қарорлар.

**4.8.** Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри

расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

**4.9.** Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул килиниши мумкин.

**4.10.** Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор хақидаги ахборот жамиятнинг якка тартибдаги ижроия органи - директорига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

**4.11.** Мажлисда кузатув кенгashi аъзолари видео ва аудио ускуналари оркали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб хисобланмайди.

## **V. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгashi аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари**

**5.1.** Кузатув кенгash аъзоси:

- Кузатув кенgash йиғилишда шахсан катнашиш, йиғилишда мухокама қилинаетган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

- ишларнинг шу кундаги ахволи тўғрисида, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш - хўжалик ва тижорат фаолиятининг бирор - бир давр ичидаги асосий натижалари хақида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида барча тўлик ва ишончли ишлаб чиқариш ҳамда молия ахборотини олиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун хақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай хақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

**5.2.** Кузатув кенgash аъзоси битишувларни тузувчи томонлардан бири акциядорлик жамияти хисобланган битишувода молиявий манфаатдорликка эга бўлган холларда, шунингдек, Кузатув кенgash аъзоси билан акциядорлик жамияти манфаатлари бошқача тарзда зиддиятли холларда, Кузатув кенgash аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув кенgashда битишув тузилгунга кадар хабар беришга мажбурдир, битишув тўғрисидаги қарор эса бундай манфаатдорликка эга бўлмаган Кузатув кенgashнинг кўпчилик аъзолари, ехуд Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўпчилик акциядорлар томонидан қабул килиниши керак. Бунда алар бундай битишув юзасидан мухокамаларда ва қарорлар қабул қилишда катнашмайдилар.

**5.3.** Кузатув кенgash аъзолари ёки билвосита Кузатув кенgash томонидан у еки бу қарорларни қабул қилишга таъсир курсатганлик учун хақ олиш хукуқига эга эмаслар.

**5.4.** Кузатув кенgash аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкий ва намунавий хукуклар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалар тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш хукуқига эга эмаслар.

**5.5.** Кузатув кенgash аъзолари ўзларининг лавозими мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб хисоблайдиган усул билан оширишга мажбурдирлар.

**5.6.** Кузатув кенgash аъзоларига ҳар чоракда рағбатлантириш пули жамият бизнес ражасида белгиланган фаолият самарадолик йиғинди кўрсаткичини бажариш фоизига қараб тўланади. Рағбатлантириш миқдори Кузатув кенgashи раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базавий хисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида ва Кузатув кенgash аъзоларига Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базавий хисоблаш миқдорининг 15 (үн беш) баравари миқдори, бизнес-режа бўйича бажарилган фаолият самарадорлик йиғинди кўрсаткичи билан аниқланади. Агар самарадорлик йиғинди кўрсаткичи бажарилиш даражаси 60 фоиздан кам бўлган тақдирда рағбатлантириш пули кузатув кенgash аъзоларига тўланмайди. Агар самарадорлик йиғинди кўрсаткичи бажарилиш даражаси 100 фоиздан кўп бўлган тақдирда рағбатлантириш пули 100 фиоизда кузатув кенgashи раиси ва аъзоларига тўланади.

Кузатув кенgash аъзоларига ва кузатув кенgashи котибига жамият корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларига кўра куйидиги шартлар бажарилган тақдирда қўшимча

рағбатлантириш (мукофот) пули тўланади:

- агар бошқарув тизими коникарли баҳоланса - йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базовий ҳисоблаш микдорининг 25 (йигирма беш) баробар микдорида мукофот тўланади;
- агар бошқарув тизими юкори баҳоланса - йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базовий ҳисоблаш микдорининг 50 (эллик) баробар микдорида мукофот пули тўланади.

**5.7.** Жамият кузатув кенгаши котибига чорак давомида ўз вазифаларини бажариб турган давр учун базовий ҳисоблаш микдорининг 10 баробар микдорида хақ (рағбатлантириш) тўланади.

## **VI. Кузатув кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги.**

**6.1.** Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибида жавобгар бўлиши лозим.

Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

**6.2.** Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга хақли.